

# Аллоҳнинг раҳмати икки дунёга ҳам хосдир



20:10 / 31.08.2019 2379

Муслмон савдогар бағрикенг, осонликни истайдиган, баъзи нарсаларни ўтиб юборадиган бўлади.

???? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ???????????  
?? ???? ???? ???? ?????: «????? ???? ??????  
???????? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ????  
????????». ?????? ??????????????  
????????????????????.

Жобир розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:** «Сотганда, сотиб олганда ва ҳаққини талаб қилганда карамли бўлган одамни Аллоҳ раҳм қилсин», **дедилар».**

Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

Мусулмон одам доимо карамли, саховатли бўлиши керак. Айниқса, олди-сотди ва ҳақни талаб қилиш пайтида. Бундай пайтда мумсиклик қилиб, тийиннинг устида етти думалаб туриб олиш барака келтирмайди. Балки сахийлик, очиқлик, бир оз ўтиб бериш Аллоҳнинг раҳматиға, хайру баракаға сабаб бўлади.

Ушбу ҳадисда зикр қилинган Аллоҳнинг раҳмати икки дунёга ҳам хосдир. Мазкур ишларда карамли, саховатли бўлган кишиларга Аллоҳ таолонинг бу дунёдаги раҳмати – молу мулкиға, ризқу рўзига барака, ўзига соғлик-саломатлик, фаровон турмуш ва тинчлик-омонлик беришида кўринса, охиратда эса жаннатга киришга сабаб бўлади.

Демак, сотувчи ҳам, олувчи ҳам карамли, саховатли ва хушмуомала бўлишлари керак. Шунингдек, бировдан ҳаққини сўровчи ҳам яхшилик, хушмуомалалик билан сўраши лозим.

***«Бозор ва унга боғлиқ масалалар» китобидан***